Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 8 август 1968 йил, пайшанба ◆ № 184 (14.046). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Электроника институти юқори температуралар тадқиқоти лабораториясида қуёш печлари ўрнатилди. Суратда: техник А. Оқилов ускунани ишга ҳозирламоқда.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИ БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ТИССА БУЙИДАГИ ЧИЕРНА ШАҲРИДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БРАТИСЛАВА КЕНГАШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шу йил 29 июлдан 1 августга қадар Тисса дарёси бўйидаги Чиерна шаҳрида бўлиб ўтган учрашувнинг ва Болгария Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Чехословакия Коммунистик партияси вакилларининг шу йил 3 августда Братиславада бўлиб ўтган кенгашининг якунларини қараб чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шуни таъкидлайдики, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг учрашуви ўз вақтида ўтказилган учрашув бўлиб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословакия Коммунистик партияси ўртасида, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС делегациясининг Братислава кенгашидаги фаолиятини батамом маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Братислава кенгашининг баёнотини кенгашда қатнашган қардош партиялар муштарак позициясининг ифодаси деб ҳисоблади, бу позиция социалистик мамлакатларнинг манфаатларига, улар ўртасидаги ҳамкорликни марксизм-ленинизм принциплари асосида ривожлантиришга, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга муносиб бўлиб тушади, ҳар бир мамлакатда ва бутун социалистик ҳамдўстликда социализмни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлларини белгилаб беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси кенгаш қатнашчиларининг марксизм-ленинизмга чексиз содиқлик, халқ оммасини социализм, пролетар интернационализми ғоялари руҳида тарбиялаш, буржуа идеологиясига қарши, барча антисоциалистик кучларга қарши муросасиз кураш олиб бориш — социализм позицияларини мустаҳкамлашда ва империализм кирдикорларига зарба беришда муваффақият қозонишнинг гаровидир, деб чиқарган хулосасини юксак баҳолайди.

Баёнотда таърифлаб берилган қоидаларнинг амалга оширилиши қардош партияларнинг энг биринчи интернационал вазифасидир. Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган КПСС ана шу юксак олижаноб вазифани амалга оширмоқ учун, социалистик ҳамдўстликни, халқаро коммунистик ҳаракатни мустаҳкамламоқ учун, мамлакатимизда коммунизмни муваффақиятли равишда қурмоқ учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

УРУҒЛИК ПАХТАНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уруғлик пахтани териш ва тайёрлаш масаласини қараб чиқди. Қабул қилинган қарорда таъкидланишича, кейинги йилларда баъзи областлар, районлар, колхоз ва совхозларда етилиб пишмаган уруғлик пахтани териб олиш, хом ва пишган пахтани аралаштириб юбориш, вилт билан касалланган туплардаги пахтани териш ҳолларига йўл қўйилган. 1967 йилда тайёрлов пунктларига топширилган уруғлик пахтанинг қарийб 80 процентининг намлик даражаси белгиланганидан юқори бўлган. Кўпинча уруғчилик хўжаликларига ҳосилни териш ва топшириш графиги оддий пахтани тайёрлайдиган хўжаликлар қаторида белгиланмоқда. Иккинчи ва учинчи репродукциядаги яхши апробация қилинган уруғлик пахтани машинада териш ҳоллари юз бермоқда.

Ўтган йили Тошкент областидаги уруғчилик хўжаликлари контрактация мажбуриятларининг бузилишига йўл қўйдилар, уруғлик пахтанинг қарийб 30 минг тоннасини машиналарда териб олдилар. Пахта тозаланганда кейин уруғлик чигитнинг қарийб ҳаммаси анча сифатсиз экланлиги аниқланди.

Область хўжаликларини областнинг ўзида етиштирилган юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш ишига ана шундай масъулиятсизларча муносабатда бўлинганлиги оқибатида Тошкент области 1968 йилда экиш учун 4500 тонна уруғликни республиканинг бошқа областларидан олиб келишга мажбур бўлди, бунга анча маблағ сарфланди. Ана шундай фактлар республиканинг бошқа айрим областларида ҳам содир бўлди.

Бир қатор область ва район ташкилотлари раҳбарлари уруғлик пахтани териш ва тайёрлашнинг элементар қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги каби фактларга муросасозлик қилмоқдалар ва уруғчиликни яхшилаш тадбирларини кўрмаётирлар. Ана шунинг оқибатида кейинги икки йилда бир қатор областларда тайёрланган уруғликнинг сифати ёмонлашиб кетди. Агар Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм областларида 1967 йил ҳосилидан биринчи класс уруғлик чигит умумий ҳисобга нисбатан 70-75 процент миқдорида тайёрланган бўлса, Тошкент областида фақат 28 процент, Самарқанд областида 35 процент ва Қорақалпоғистон АССРда 27 процент тайёрланди, холос.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уруғчиликни янада ривожлантиришнинг жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, ўзларида етиштирилган юқори сифатли уруғлик фондини яратишга ғамхўрлик қилмаётган областлар ва районларнинг бу соҳадаги йўл қўйган камчиликларини қоралади. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва пахта тозалаш саноати министрликларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига уруғлик фонди учун пахта териш ва тайёрлаш ишига ўз муносабатларини ўзгартиришни ва уруғчиликнинг барча звеноларида қатъий давлат тартиби ўрнатишни, ҳар бир область планда кўрсатилган сортдаги районлаштирилган юқори сифатли уруғлик билан ўзининўзи таъминлашга эришишни топширди.

Область ташкилотларига уруғчилик хўжаликларидаги аҳволни аниқлаш, уларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш;

уруғчилик участкаларида агротехниканинг юксак бўлишига, давлатга уруғлик чигит топширишга юзасидан контрактация мажбуриятларини сўзсиз бажарилишига эришиш;

уруғчилик хўжаликлари раҳбарларига уруғлик пахтани ҳозир амалдаги инструкцияларга қатъий амал қилинган ҳолда алоҳида териб олинишини тўғри ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Республика қишлоқ хўжалик министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклади:

элита ва биринчи репродукцияли уруғликларни юқори сифатли чигит етиштиришга қодир бўлган ихтисослаштирилган элита-уруғчилик колхоз ва совхозларида етиштиришни кўпайтириш ва уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш;

иккинчи ва учинчи репродукцияли экинларнинг районлаштирилган сортларини юқори ҳосилли колхоз ва совхозларда вилт билан кам зararланган майдонларда кўпайтириш;

иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғлик етиштириш кўзда тутилган колхоз ва совхозларнинг рўйхатини ҳар йили Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳамда область ижроия комитетлари томонидан тасдиқлаш;

Уруғлик чигит экиладиган майдонлар ва уруғлик контрактацияси ҳажмини белгиланганда ана шу хўжаликларнинг имкониятларини ҳисобга олиш;

уруғлик пахтани фақат қўлда териб олиш;

Элита, биринчи, иккинчи ва учинчи репродукцияли апробация қилинган уруғлик пахтани машинада теришни тақиқлаш;

уруғчилик хўжаликлари учун машина терими планини қўлда териб олиниши лозим бўлган уруғлик пахта майдони ҳисобга олинган ҳолда белгилаш. Ҳосилни машинада териб олишни механизациялаш даражаси ва машина терими планини эса, хўжаликлар бўйича уруғлик экин шу ҳисобдан чиқариб ташланган ҳолда белгилаш;

учинчи репродукцияли майдонлардаги уруғлик пахта ғўзасини етилиб пишган уруғлик пахта қўлда териб олиганидан кейин дефолиация қилишга рухсат этиш, қолган барча ҳосилни машиналарда йиғиштириб олиш. Дефолиацияни ҳар бир туп ғўзада ўртача камида учта очилган кўсак бўлганида енгил таъсир кўрсатувчи дефолиантлар билан ўтказиш;

уруғчилик хўжаликларига уруғлик пахтани териш ва топшириш бўйича ўйланмай тузилган графиклар белгилаш ярамайди Уруғлик пахтани териб олиш муддатлари ва тартиби агрономлар томонидан табақалаштириб белгиланади. Бунда пахтанинг пишиб етилиши ва ҳар туп ғўзада 3-5 тадан кўсак нормал очилганлиги, уруғлик пахтани бириккини марта териш ҳисобга олинади;

етилиб пишмаган, хом ва вилт билан касалланган туплардаги пахтани териб олишга йўл қўймаслик. Намлик даражаси юқори бўлган уруғлик пахтани албатта офтобда қуритиш ва ГОСТда белгиланган нормадан юқори намликда бўлмаган ҳолда тайёрлов пунктларга топшириш;

колхоз ва совхозларга уруғлик пахтани қўлда терувчилар учун нормани уруғлик бўлмаган пахтани қўлда терувчи кишиларнинг нормасига нисбатан 20-25 процент камайтиришни тавсия этиш.

Пахта тозалаш саноати министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига область ижроия комитетларига қуйидагилар таклиф этилди:

пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари ходимларининг уруғлик пахтани қабул қилиб олиш, комплектлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этишдаги роли ва масъулиятини ошириш;

колхоз ва совхозларга уруғлик пахтани териб олиш ва топширишни ташкил этишда системали равишда амалий ёрдам кўрсатиб туриш;

уруғлик пахтани қабул қилиш пайтида Давлат стандартига аниқ риоя қилиш;

уруғлик пахтани комплектлашда, уни сақлаш ва қайта ишлашда инструкцияга хилоф етказмаслик.

Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Пахта тозалаш саноати министрлиги зиммасига колхоз ва совхозларни юқори сифатли уруғлик чигит билан ўз вақтида таъминлаб туриш жавобгарлиги юклатилди.

Ана шу министрликларга қуйидагилар топширилди:

1969 йил ҳосили учун юқори сифатли уруғлик чигит етиштириш ва тайёрлашни таъмин этишни кўзда тутадиган тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни 1968 йилданоқ амалга оширишга киришиш;

хўжаликларни юқори репродукцияли районлаштирилган уруғлик чигит билан планли равишда таъминлаб бориш мақсадида республика областлари бўйича элита-уруғчилик хўжаликларининг сони ва уларнинг дислокациясини аниқлаш;

иккинчи ва учинчи репродукцияли уруғлик пахта етиштириш учун область ташкилотлари томонидан кўзда тутилган хўжаликларнинг рўйхатини ҳар йили кўздан кечириб бориш, ана шу хўжаликларга уруғлик чигит экиладиган майдон ва уруғлик пахта тайёрлаш миқдорини белгилаш.

Уруғлик пахтани теришни механизациялаш даражасини кўтариш мақсадида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти ва пахтачилик машиналари бўйича Давлат конструкторлик бюросига яруслардаги пахтани териш учун терим агрегатларини ишлаб чиқаришни тезлаштириш топширилди.

Областларга, районларга, совхозларга пахта териш ва давлатга топширишда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун Кўчма Қизил байроқларни бериш вақтида уруғлик пахтани териш ва давлатга топириш планининг қандай бажарилаётганлиги ҳам ҳисобга олинсин

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорида шуни таъкидладики, бир қатор область ва районларда ғўзанинг ривожланиши бир мунча кечикаётган бу йилги шароитда уруғлик пахтани теришда ва тайёрлашни тўғри ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади, шунинг учун ҳам совет, қишлоқ хўжалик ҳамда тайёрлов органларини, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларини ана шу муҳим ишга катта эътибор беришга чақиради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СОВЕТ ҚАРАҚАЛПАҚСТАНЫ» РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАСИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун ва ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан **«Совет Қарақалпақстаны» республика газетаси «Ҳурмат белгиси»** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1968 йил 6 август.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ЖУРНАЛИСТЛАРИГА ВА ПОЛИГРАФИЯ ХОДИМЛАРИГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ва самарали ишлари, Қорақалпоғистон АССР матбуотини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва «Совет Қарақалпақстаны» газетасининг ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

1. **Жуманов** Болтабой — «Совет Қарақалпақстаны» газета редакциясининг катта адабий ходими.
2. **Қосимов** Рустам Эсонтоевич — «Совет Қарақалпақстаны» газета редакциясининг масъул секретари,
3. **Курбонниёзов** Жанабой — Нукусдаги «Правда» 50 йиллиги номли полиграфия комбинатининг стереотипчиси,
4. **Матчонов** Жумабой — Нукусдаги «Правда» 50 йиллиги номли полиграфия комбинатининг ҳарф терувчиси.
5. **Сейитмамутов** Тожиаҳмад — ҳазиқ пенсионер, «Совет Қарақалпақстаны» газета редакциясининг кекса ходими.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.
1968 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда кўп йиллик ва самарали ишлари учун ҳамда «Совет Қарақалпақстаны» газетасининг ўн мингинчи сони чиқиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Совет Қарақалпақстаны» газета редакцияси, Нукусдаги «Правда» 50 йиллиги номли полиграфия комбинати ходимларидан ва Қорақалпоғистон АССР ишчи-деҳқон мухбирларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«ИНРИБПРОМ-68»

6 август куни Ленинградда очилган халқаро «Инрибпром-68» виставкасининг «Миллатлар хиёбони»да 23 мамлакатнинг давлат байроқлари ҳилпирай бошлади.

Ташкилот комитетининг раиси СССР базиқ хўжалиги министри А. А. Ишков виставка қатнашчилари ва меҳмонларини табриклаб, бу виставка жаҳон океани ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ва олимларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

Виставка эшигига тортилган одатдаги лентани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров қирқади.

Ҳамқишлоғимиз ҳақида

БЎЗ ЙИГИТ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» колхозининг пахтакорлари ғўзани машинабоп қилиб парвариш қилишяпти, терим техникасини мавсумга ҳозирлашяпти. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари М. Шукуров (ўнгда) ва звено бошлиғи Ғани Содиқов ўртоқлар ғўзанинг аҳволи билан танишишяпти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхозимизда Дадайўлдош Баҳриев деган киши бор. Уни ҳамма бўз йигит деб атайди. Чунки, илгари инсон қадам босишга ҳайиққан қамишзорга биринчи бўлиб шу киши ҳужум бошлаган, биринчи бўлиб янги ер очган, барака уруғи сочган.

Колхозчилар қамишзорга ҳужум қилган 1954 йилни эслагинингда, кўзларингга ишонмайсан, киши Икки одам бўйи келадиган қамишзорда чия бўрилар уя қурганди. Йиртқичлар қишлоққа ваҳма соларди, молларга катта зарар етказганди. Бир куни Дадайўлдош Баҳриев шу қамишзорни ўзлаштириб, ўрнига шоли, пахта экамиз, деб қолди. Баъзилар унинг бу гапларига ишонқирамади. Лекин, Дадайўлдош ўз сўзида турди ва шериклари — ака-ука Тошканбой ҳамда Қорабой Болтаевлар билан ҳамкорликда янги ер очишга отланди.

Азаматлар қамиш ўришга киришишди. Улар бу ерга милтиклар билан ҳам қуролланиб келишганди. Йигитларнинг кўнглидан ўтказгани бўлди. Қамиш ўришга киришилган куннинг эртасига бўриларга дуч келишди. Милтиқдан ўзилган ўқлар билан иккита бўри қулатилди. Шундай қилиб, улар одимма-одим қамишзор ичкарилаб боришди Ҳадемай трактор беришди Орадан кўп вақт ўтмасданоқ бир неча ўн гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди Кейинги икки йил мобайнида 386 гектар қамишзор ўзлаштириляпти, экин экилди.

...1956 йили катта майдонларга шоли экилиб, кутилганидан ҳам юқори ҳосил етиштирилди.

— Шолипояда пахта яхши ўсади,— деди Дадайўлдош Баҳриев.

Унинг таклифини колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қўллаб-қувватлашди. Келгуси йили эски қамишзорнинг 210 гектарига чигит экилди. Янги ерларда янги бригадалар ташкил этилди. Дадайўлдош Баҳриев Аҳмад Мусаев бошлиқ бригадада тракторчилик қилди. Ер ҳайдади, чигит экди, ғўза қатор ораларини культивация қилди. Хуллас, барча юмушларда жонбозлик кўрсатиб ишлади. Бригада пахта тайёрлаш йиллик планини анча ошириб адо этди.

Бундан уч йил муқаддам Дадайўлдош Баҳриевни бригадирликка кўтаришди. У ўзи ўзлаштирган ерда деҳқончилик қилди. 56 гектар майдонга сара уруғ қадаб, ғўзани меҳр билан ардоқлади, баҳор ва ёз бўйи пахтазордан жилмади. Ғўзани вақтида культивация қилди, озиқлантирди, суғорди. Натижа кўнгилдагидек бўлди Ҳар гектар ердан 26 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Пахта плани қарийб икки баравар ошириб бажарилди.

Дадайўлдош Баҳриевнинг ўтган йилги кўрсаткичлари ҳам кишини қувонтиради. У 60 гектар майдондаги ғўзани ер ости сувлари билан суғорди Ҳар туп ғўзани қалб меҳридан қондирди Агротехниканинг барча тадбирларини маромида амалга оширди Бўз йигит бошлиқ бригада гектар бошига 32,5 центнердан «оқ олтин» топширди. Бу — эски қамишзор ўрнида деҳқончилик қилган бригадалар ўртасида рекорд ҳосил эди.

Ҳамқишлоғимиз, асл деҳқон Дадайўлдош Баҳриев бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топширмоқчи. Тунов куни биз бригада даласини айланиб, мўл ҳосил етиштирилаётганига қаноат ҳосил қилдик Негаки, 60 гектар майдондаги ғўза бир текис гуллаб ётибди. Олди ғўза туплари беш-олтитадан кўсак кўтариб турибди.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда бўз йигитга ғаҳрамон Али сувчи Олайдин полвон Парпиев бошлиқ миришкорлар яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар кеча-кеча, кундузи-кундуз демай меҳнат қилишади, тунлари пахтазорда қолиб кетишади Ғўзаларни чўқур эгатлар орқали қондириб суғорадилар. Бунда механизатор Д. Ашуровнинг ҳам хизмати катта. Шунинг учун ҳар туп ғўза бақувват, соғлом ва серҳосил бўлиб ўсяпти.

«Ск олтин» ихлосмандлари — бригада қизларининг ғайратли жўш уряпти А. Валиева, С. Ғафурова, О Нишонова каби меҳнатсеварлар ғўза парваришида ҳаммага намуна кўрсатишяпти.

Ҳа, Олтиарик районидаги «Пахтаобод» колхозининг бўз йигити Дадайўлдош Баҳриев бошчилик қилаётган бригадасида ғўза... кун сайин яшнамоқда, ... ўсмоқда Дўстимизнинг ... ҳосил етиштириш йўлидаги ... рига муваффақият тиламиз.

Акбаралы ХИСРОВ,
Собитжон РУСТАМ...
Фарғона область, Олтиариқ районидаги «Пахтаобод» колхозининг аъзолари.

ҚИРҒИЗИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТИ

АНДИЖОН, 6 август. (ЎзТАГ). Қирғизистон деҳқонлари Хўжаобод, Қўрғонтепа ва Избоскан районларида пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширмоқдалар.

Меҳмонлар Избоскан районидаги хўжаликларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланилаётганлиги, суғоришда меҳнат яхши ташкил қилинганлиги ҳақида мамнуният билан гапирдилар. Етти юздан кўпроқ моҳир сувчилар группаларга бўлинган бўлиб, бу группалар айни бир вақтда 15-20 гектар келадиган йирик участкаларни суғормоқдалар.

Шу билан бир қаторда, мусобақадош дўстларнинг фикрича, районда чеканка пайсалга солинмоқда, айрим жойларда культивация билан суғориш ўртасида узилишга йўл қўйилмоқда. Пахта териш машиналарини теримга тайёрлаш суръатлари ҳам кўнгилдагидек эмас: гўрт юз қирқ агрегатдан ҳозиргача фақат ярми шай қилиб қўйилган. Қирғизистон вакиллари «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасига машина ремонтида ишни икки смена қилишни, механизаторларни қайта тайёрлашни уюштиришни тавсия этдилар.

ЁРҚИН ЙЎЛ

Бугун Автоном Республика меҳнаткашларининг маданий ҳаётида катта воқеа ишланмоқда. Қорақалпоғистон партия ташкилотининг энг яқин ёрдамчиси, автоном республика маданий ҳаётининг ёрқин кўзгуси «Совет Қарақалпақстани» газетасининг ўн мингинчи сони босилиб чиқди.

Газета ва унинг атрофига уюшган жамоатчи мухбирлар социалистик қурилиш, халқ хўжалигини ривожлантириш йилларида ўткир ва принципиал материаллари билан кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳр-муҳаббатини қозонди. Газетамиз Ўлкада синфий кураш айниқса кескинлашган бир даврда нашр этила бошлади.

Халқ хўжалигини тиклаш ва биринчи беш йилликлар мобайнида социалистик экономикани яратиш йўлида фаол кураш олиб борган газета Улуғ Ватан уруши йилларида меҳнат аҳлини ёвуз душман устидан ғалабага руҳлантирди. Фронт орқасини мустаҳкамлашда ташкилотчилик ролини ўйнади. Абдусамат Аллашов, Собир Нуржонов, Реим Утенберганов, Бекмурод Хўжаниёзов сингари қаламкашлар жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Газетамизнинг биринчи редакторларидан Холмурод Пиримбетов урушдан оғир ярадор бўлиб қайтди. Уларнинг жасорати барчамиз учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йиллар мобайнида «Совет Қарақалпақстани»нинг омма орасидаги таъсири беқиёс ўсди. Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг сафи йил сайин ошиб бораётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Жамоатчи мухбирларимиз газетанинг автоном республика меҳнаткашлари билан мустаҳкам алоқасини ўрнатишда жонбозлик қилмоқдалар.

Газета нашр этила бошлаган дастлабки йилларда «Ёркин Қарақалпақ» номи билан чиқиб, ниҳояти 25 нафар мухбири бор эди. 1931 йили мухбирлар сони 150 кишига етиб, 3 минг нусхада босилди. Ўн мингинчи сони чиқаётган шу паллада 50 минг нусхада босилиб, мухбирлар активи 800 кишидан ошиб кетди. Редакция ходимларининг маънавий қиёфаси ҳам ўзгарди. Газетамиз Сейфулгабит Мажидов, Нажим Давкарев, Исмоил Сагитов, Амет Шомуротов, Мирзагали Дарибаев, Науруз Жапақов, Дали Назбергенов, Ийроҳим Юсупов, Тулек Каипбергенов сингари олим ва адиблари етиштирган қутлуғ даргоҳ эканлигидан фахрланамиз.

Газетамизнинг ўсиб, камол топиши халқимиз маданиятининг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Қорақалпоқ халқи қардош халқларнинг оғаларча ёрдами ва партиянинг доно раҳбарлигида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди. Партия коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини ҳал этар экан, халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини тобора тезлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу боисдан ҳам газетамиз социалистик экономикачинг ҳамма соҳаларини юксалтириш, халқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни кучайтиришга катта эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленумидан кейин газета саноатдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш минбарига айланди. Унинг саҳифаларида автоном республика экономикасининг гуллаб-яшнаётганлигини кўрсатувчи ёрқин материаллар босилмоқда.

Бу муваффақиятларимизда қадрдон ўзбек халқининг ҳиссаси катта. Ўзбек оғаларимизнинг ёрдамида қорақалпоқлар ҳам пахтачиликда миришкор бўлиб олдилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Бултур 290 минг тонна олтиндан ҳам қиммат пахта ундирдик. Беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 300 минг тонна «оқ олтин» топширмоқчимиз.

«Совет Қарақалпақстани» газетаси илғор тажрибаларни пропаганда қилишгина қолмай, ўсиш, тараққиётга фаол хизмат қилмоқда. Масалан, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи Ойимхон Камолова биринчи бўлиб «зангори кема» штурвалини бошқарган эди. Журналистлар унинг ташаббусини автоном республикада кенг ёйдилар. Ўшанда 300 қиз-жувон пахта териш машиналарини бошқаришни ўрганиб олган эди. Ҳозир гвардиячилар сафида хотин-қизлар бўлмаган хўжаликни учратиш қийин.

Журналистика касби бир қолипда ишлашни, ижодий биқиқликни ёқтирмайди. Шу боисдан ҳам биз газета материалларининг рангба-ранг, рубрикаларнинг хилма-хил бўлишига алоҳида эътибор беряпмиз. Бу йил саҳифаларимизни безаётган «Асримиз қаҳрамонлари», «Машиналарга кенг йўл», «Ким олдинда?» каби рубрикалар очдик. Бунда биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шомурод ота Мусаевга минбар берган эдик. Ҳозир деҳқончилигимиз марду майдонларининг қалб сўзлари билан битилган ва меҳнат аҳлини жасоратга ундайдиган мақолалар газетадан кенг ўрин олмоқда.

Умумий юксалишга эришишнинг муҳим омилларидан бири — социалистик мусобақа ҳисобланади. Биз бунга катта эътибор беряпмиз.

Автоном республика меҳнаткашлари олдида турган хўжалик вазифалар партиявий-сиёсий ва ташкилий-оммавий ишларнинг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Буни яхши ҳис этган газетамиз коллективи партия турмуши масалаларини ёритишга алоҳида эътибор бермоқда. Газетамиз саҳифаларида бошланғич партия ташкилоти секретарларининг сиртқи семинари уюштирилганлиги фикримизнинг далилидир.

Меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш газетамизнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди. Биз бу мавзуни ёритганимизда ўтмишнинг чирик қолдиқларини фош этиш билан бирга янги расм-русмлар ва давримиз руҳига мос анъаналарни жорий этишга интилмоқдамиз. Халқлар дўстлиги темаси ҳам доимий мавзуларимиздан.

«Биз интернационалистлармиз», «Улар Совет ҳокимияти учун курашганлар» рубрикалари остида Қорақалпоғистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда жон фидо қилган Жабборбергенов, Аббазов, Оташов, Юсупов, Жуманиёзов ва бошқа фидоийларнинг ибратли ишлари ҳикоя қилиб берилди. Мўйноқ балиқ консерваси заводида 16 миллат вакиллари аҳил ишлашади. Уларнинг ажойиб ишлари ҳам газета саҳифаларида ҳикоя қилиб берилди.

Қўшни республика ва область газеталари билан халқлар дўстлиги, улар ўртасидаги ҳамкорликка бағишлаб қўшма сонлар чиқариш одат тусига кириб қолди. Шу йилнинг ўзида «Хоразм ҳақиқати», Қозоғистондаги «Ленин жоли» ва «Коммунистик енбек» газеталари билан бир неча марта қўшма сон чиқардик.

Редакциямиз коллективи газетанинг ўн мингинчи сони чиққан шу қувончли дамларда зиммасида катта масъулиятлар турганлигини ҳам ҳис қилиб турибди. Партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни беш йиллик вазифаларини бажаришга сафарбар этиш борасида ҳали кўп ишлашимиз керак. Партиянинг доно раҳбарлиги бу вазифаларни муваффақиятли бажаришимиз гаровидир.

А. МУРТАЗОЕВ,
«Совет Қарақалпақстани» газетасининг редактори.

ЧАҚИРИҚ қабул қилинди

Минскдан Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлиги номига хат келди. Бу хатда белоруссиллик ҳамкасблар Ўзбекистон ва Белоруссия маҳаллий саноат корхоналарининг социалистик мусобақа бошлаш тўғрисидаги чақиригини қабул қилганликларини билдирадилар. Мусобақа шартларининг асосий моддаси — беш йиллик планни барча кўрсатичлаои бўйича В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача бажаришдан иборат

Мусобақадош ўртоқлар бирбирларига ўзаро текшириш бригадаларини юбориш тўғрисида ҳам қарор қабул қилдилар. Ўзбекистон маҳаллий саноат ходимларининг ваниллари социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текшириш учун яқин вақт ичида Минскка жунатдилар. (ЎзТАГ).

15 АВГУСТДА— ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

1966 йилги Давлат 3 процентли ички ютуқли заёмининг 15 августда Вильнюсда навбатдаги ўн еттинчи ютуқлар тиражи ўтказилади

СССР давлат омонат кассалари ва давлат банки давлат кредит бош бошқармасида ТАСС мухбирига қуйидагиларни маълум қилишди: Бу тиражда заёмнинг ҳар бир разрядига жаъми 512.560 сўмли 9400 та ютуқ ўйналади. Булар орасида 5000 сўмлик, 2500 сўмлик, 1000 сўмлик, 500 сўмлик, 100 сўмлик ва 40 сўмлик ютуқлар бор.

(ТАСС мухбири).

АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Термизда Ленин комсомолининг 50 йиллигига бағишланган кеча «Авлодлар эстафетаси» шиори остида ўтди. Кечада йигирманчи — қирқинчи йилларнинг комсомоллари, ёш ишчилар, студентлар иштирок этдилар.

1917 йилнинг апрелида Петроградининг Финляндия вокзалида Владимир Ильич Ленининг тарихий нутқини тинглаган собиқ Балтика матроси Д. Ф. Погодинский ўз авлодининг жанговар ёшлиги ҳақида гапириб берди. Шунингдек, Сурхондарёнинг биринчи комсомоллари, Совет ҳокимиятини барпо этиш учун кураш қатнашчилари Ч. Беркалиев ва И. Табиевлар ҳам сўзга чиқишди. (ЎзТАГ).

Республика партия ташкилотларида

ФАРҒОНА

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз тўртинчи бўлими коммунистларининг очиқ партия йиғилишида илғор пахтакорларнинг мурожаати муҳокама қилинди. Ушбу мурожаатда область пахтакорлари баранали «оқ олтин» хирмони кўтаришга Фарғонанинг барча меҳнат аҳлини даъват этган эдилар. Агроном Х. Жўраев, совхоз партқомининг секретари Т. Жўраев, бригадирлардан М. Рўзиев, И. Пўлатов, бўлим бошқарувчиси М. Халилов ўртоқлар сўзга чиқиб, 870 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 23,8 ўрнига 28 центнердан ҳосил ундириш учун барча шарт-шароит мавжудлигини таъкидладилар. Бунинг учун 180 гектар ердаги авжи паст гўзани қўшимча парвариш қилиш йўли билан баравж экинлар қаторига етказиш тадбирлари белгиланди.

А. ТОШМАТОВ.

БУХОРО

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

«Октябрь» колхози Қоракўл районидаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда мавжуд 14 бригаданинг ҳаммасида дала шийпонлари колхозчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришига мослаб жиҳозлантирилган. Ҳар бир шийпонда дам олиш хонаси, болалар боғча ва яслиси, дўкон, аптечка бор.

Мана, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Шарофат Баракаева бригадасининг дала шийпони. Олтмишинчи йилларнинг бошларида шип-шийдон чўл эди бу ер. Ҳозир «Янгиобод» участкаси деб аталади. Шийпон соя-салқин дарахтларга бурканган. Кўзга кўринарли жойда беш йиллиннинг учинчи йилида область, район, колхоз ва бригада эгаллаши лозим бўлган марралар диаграммаларда акс этган.

Кун қиёмга келганда шийпон хоналари аста-секин колхозчилар билан гавжум бўлади. Улар бу ерда тушда ва иш охирида тўпланиб овқатланишади, радио тинглашади, агитаторларнинг суҳбатларини эшитишади. Ҳар бригадада иккитадан агитатор бор. Улар дала ишларининг боришини нузатиш билан бирга иш нормасини уддалай олмаётган колхозчиларга амалий ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатишади. Шу туфайли кўпчилик колхозчилар кунлик нормани бир ярим ҳиссадан ado этишяпти.

Колхоз аъзолари бир ярим минг гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони уюшга бел боғлашган. Бу орзунинг рўёбга чиқишида тиним билмас агитаторлар ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Х. ШИХОВ.

ҚАШҚАДАРЁ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОТАЛИҒИДА

20 коммунистни ўз сафида уюштирган бўлимимиз партия ташкилоти ёш авлодга ғамхўрликни ўз оталиғига олган. Уларга доимий раҳбарлик қилиб туриш учун партбюро аъзоси, совхоз комсомолларининг собиқ етакчиси У. Абдуллаевни масъул этиб тайинлаганмиз. У комсомол ташкилотининг иш планини тузишдан тортиб комсомоллар йиғилишларигача шахсан қатнашади, фойдали маслаҳатлари билан уларнинг фаолиятини йўналтириб туради, комсомол ишида орттирган тажрибаларини баҳам кўради. Ўртоқ Абдуллаев йиғилиш қарорларининг ижросини назорат қилиб боради.

Бултур комсомол ташкилотининг фаолиятини партия йиғилишида икки марта муҳокама қилдик. Шу йил май ойида комсомол ташкилотининг ишини яна коммунистларнинг муҳокамасига қўйдик. Ёшлар ВЛКСМ 50 йиллиги шарафига зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлаяптилар. Айниқса, Н. Йўлдошев, Н. Самадова, З. Юсупова сингари комсомоллар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Алоҳида намуна кўрсатаётган комсомоллардан уч киши партия сафига ўтказилди. Ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олиш мақсадида бўлим партия ташкилоти беш кишилик комиссия тузган. Комиссия комсомол ва ёшларнинг турмушини, ишлаб чиқаришдаги активлигини ошириш йўлида партия ташкилотимизга кўпгина фойдали таклифларни киритди.

Хуллас, бутун фаолиятимиз жанговар резервимиз ва муносиб ўринбосарларимиз бўлган комсомолларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратилган.

З. ПЎЛАТОВ,
«Китоб» боғдорчилик ва сабзавотчилик совхози бўлим партия ташкилотининг секретари.
Шаҳрисабз райони.



Самарқанд область Каттақўрғон районидаги «Нагорная» санаторийси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Кейинги бир йил мобайнида шифохонада 1300 дан ортиқ бемор даво топди. Суратда: санаторийнинг бир гуруҳ врач ва ҳамширалари.
А. Тўраев фотоси.

ИСЛОҲОТ ВА БАЪЗИ МУАММОЛАР

Социалистик экономикага планли раҳбарлик қилишнинг форма ва методлари хўжалик қурилишининг турли босқичларида доимо такомиллашиб боради. Бу соҳада КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965) Пленуми қарорлари алоҳида ўринда туради. Пленум қарорига биноан саноатни бошқаришни яхшилаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Биз бунда кейинги вақтда ўзини оқлай олмай қолган халқ хўжалик кенгашлари тугатилиб, бошқаришни тармоқ принципига ўтилгани, яъни саноат министрликлари ташкил қилинганини кўзда тутмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда планлаштиришни яхшилаш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу тадбирлардан мақсад социалистик тузум афзалликларидан тўла фойдаланиш натижасида моддий ишлаб чиқариш самарадорлигини доимо ошира бориш ва унинг асосида меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини бетўхтов юксалтира бориш учун кенг имкониятлар яратиб беришдир.

Ислоҳотнинг моҳияти қисқача қилиб айтганда, социалистик хўжалик юритишнинг энг муҳим принципи бўлган демократик централизмни кенг ривожлантириш, хўжаликка раҳбарлик қилишда маъмурий методларга чек қўйиб, иқтисодий методлардан кенг фойдаланишга ўтишдир.

Ислоҳотни амалга ошириш асосан 1966—1968 йилларга мўлжалланган эди. Ҳозирги кунда ислоҳотнинг биринчи босқичидан ўтдик, деб айтиш мумкин.

Ўтган давр ичида ислоҳотни амалга ошириш бўйича республикамиз министрликлари, планлаштириш ва хўжалик органлари, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан жуда катта иш қилинди.

1966 йилда планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги усулига республикамизнинг олтита қалдиргоч корхонаси- Самарқанд чой қадоқлаш ва Тошкент тамаки фабрикалари, Тошкентдаги 2 ва 4-ун комбинатлари, «Учқун» тўқимачилик фирмаси, Ғиждувон пахта тозалаш заводи ўтказилди. 1967 йилда яна 131 корхона янги системада иш бошлади. Шу йил 1 кварталида булар сафига яна 50 корхона қўшилди.

Шундай қилиб, шу йил 1 кварталининг охирига келиб янгича иш усулига республикамизнинг 187 та завод ва фабрикаси ўтказилди. Бу корхоналарда бутун Ўзбекистон саноати маҳсулотининг учдан бир қисми ишлаб чиқарилди ва бутун саноат ходимларининг 34 фоизи банд бўлди.

Агар ислоҳотнинг биринчи даврида янги системага асосан енгил ва озиқ — овқат саноати корхоналари ўтказилган бўлса, ҳозирга келиб ислоҳот оғир саноат корхоналарида ҳам жорий қилина бошланди. Булар жумласига «Ташавтомаш», «Ўзбексельмаш» «Ташсельмаш», Ингичка кон бошқармаси, Чирчиқ трансформатор заводи, рангли металлургия корхоналари, «Ўзбекнефть» бирлашмасининг корхоналари ва бошқа ўнлаб корхоналар киради.

Республикамиз озиқ-овқат саноатининг янги системага ўтган корхоналари эса 1967 йилда маҳсулот сотишни 1,5 миллион сўмга, фойда олишни эса 1,2 миллион сўмга ошириш бўйича қўшимча мажбурият олдилар.

Шуни айтиб ўтиш кифояки, моддий рағбатлантириш, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондлари 1967 йилда ип-газлама саноати корхоналарида 1966 йилги корхона фондларига қараганда 13 марта, шойи саноатида деярли 7 марта, пойафзал саноатида 6.5 мартадан зиёдроқ ўсди.

Фақат енгил ва озиқ-овқат саноати министрликларига қарашли корхоналарда фойда ҳисобига 10 миллион сўмлик иқтисодий рағбатлантириш фондлари ташкил қилиниб, ундан 6 миллион сўми ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ажратилди. Бу эса корхона ходимларининг ўртача иш ҳақини сезиларли равишда орттириш имкониятини берди. Айтганимизнинг далили учун қуйидаги рақамларни келтирамиз. 1967 йилда республика озиқ-овқат саноатининг янги системада ишлаган корхоналарида ходимларнинг ойлик иш ҳақи 1966 йилга нисбатан 7,1 процент, енгил саноат корхоналарида 9,4 процент ўсди, Айни вақтда бутун саноатда ойлик иш ҳақини ўртача ўсиши 5.2 процентни ташкил қилди.

Янги система шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш яхшиланаётгани айниқса қувончли воқеадир. Ҳар бир сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келувчи маҳсулот ҳажми янги системага ўтгандан кейин Самарқанд, Қўқон, Наманган шойи тўқиш корхоналарида, Бухоро, Фарғона, Андижон пойафзал фабрикалари ва бир қатор бошқа корхоналарда олдинги даврга нисбатан бирмунча ўсди. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасининг энг муҳим афзалликларидан бири шуки, бу системага ўтиш билан корхоналарда хўжалик ҳисоби принципларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган объектив шароитлар яратилади.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ислоҳотни амалга ошириш бир текис ва қийинчиликларсиз бормаётир.

Агар 1967 йилда янги системага ўтказилган корхоналардан 7 таси маҳсулот сотиш планини бажармаган бўлса, шу йилнинг 1 кварталида планни бажаролмай қолган корхоналар сони яна кўпайди.

Кўпчилик корхоналарда («Ташавтомаш», «Подъёмник», Чирчиқ трансформатор заводлари, Андижон ғўшт-мой комбинати ва ҳ. к.) шу йил 1 кварталида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўтган йилнинг 1 кварталига нисбатан паст бўлди.

Шу давр ичида янги шароитда ишлаётган ўнлаб корхоналарда меҳнат унумдорлиги ўсиш ўрнига камайди. Булар жумласига «Наманган» нефть кони, Ингичка кон бошқармаси, Янгийўл мебель фабрикаси ва бошқалар киради.

Ҳозирга қадар иқтисодий ислоҳот принципларини бузиш ҳоллари учраб турибди. Янги системага ўтказилган корхоналарга белгиланган план кўрсаткичларини йил мобайнида министрликлар томонидан бир неча бор ўзгартирилиб туриши, корхоналарда планлаштирилиши лозим булган ялпи маҳсулот, ходимлар сони, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичларни ҳамон юқоридан планлаштирилаётгани каби ҳоллар планлаштириш ва хўжалик органлари янги шароитга ҳали тўла мослашмаганликларидан далолат беради.

Планларни корхоналарга ўз вақтида етказилиб берилмаётгани, ишлаб чиқариш программасига зарур бўлган моддий-техника ресурслари етишмаётгани кўпчилик ҳолларда маҳсулот сотиш ритмининг бузилиши маҳсулот сифатини ёмонлашуви ва ҳоказоларга сабаб бўлмоқда.

Бу йил планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига республикамизнинг ҳамма саноат корхоналари ўтказилиши керак. Ислоҳотни ўтказишнинг биринчи босқичи шуни кўрсатадики, янги системанинг барча афзалликларидан фойдаланиш учун унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида иқтисодий ишни тубдан яхшилаш лозим.

Т. ЭРГАШЕВ.
Иқтисод фанлари кандидати.

ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИБ...

Яқинда тарих фанлари кандидати Муҳиддин Далиев номига Қашқадарё областидаги бир колхоздан хат келди. Колхозчилар пойтахтлик лекторатеистни унутишмабди, қишлоқларидаги янгиликлардан ёзишиб, қизиқарли суҳбатлари учун Муҳиддин акага миннатдорчилик билдиришибди. Хатнинг охирида эса уни қишлоқларига яна келишини қайта-қайта илтимос қилишибди.

Муҳиддин Далиев эллигинчи йилларда, ҳали Тошкент давлат университети тарих факультетининг студенти бўлган пайтларидаёқ лекторлар сафига қўшилган эди. Лекин илмий атеизм - тарғиботчиси, ўтмиш ирқитларига қарши курашувчи атеист сифатида Москвадаги Шарқ халклари институтида кандидатлик диссертациясини еқлагандан кейингина ўта фаоллик кўрсатди.

—Биласизми,—дея ҳикоя қилди Муҳиддин Далиевич,—ўсмирлик позицияда бўлсам, бунинг устига Маркс, Энгельс ҳамда Лениннинг дин ва унинг зарари ҳақидаги фикрларини яхши билсам бўлди-да. Лекин, амалда бу жуда ҳам оғир бўларкан. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Яқин қишлоқларнинг бирида диннинг зарарли оқибатлари ҳақидаги суҳбатимдан сўнг олдимга кекса бир колхозчи келди. Ундан кейин анчагина оқсоқоллар келиб, атрофимни ўраб олишди.

—Диннинг зарари ҳақида сиз жуда қизиқ гапирдингиз. Капиталистик мамлакатларда балки шундайдир, лекин бизда диннинг ҳеч кимга зарари тегмаяпти. Мана, мени олинг, колхозда ҳамма ҳурмат қиладиган ҳукуматимиз бир неча бор юксак мукофотлар билан тақдирлади. Ҳа, айтинг-чи, исломнинг нимаси ёмон? Ахир у ноўғри ҳаракатни таъқиқлайди, меҳнат билан яшашга ўргатади-ку!

Кейин чол мени қуръондан келтирилган оятлар билан кўмиб ташлади. Мен бўлсам лом-мим ҳам дея олмадим ва умумий жумлалар билан суҳбатни тезроқ тугатишга мажбур бўлдим.

Ўша куни уйга алам билан кириб келдим. Шунда мен курашаётган нарсани ниҳоятда чуқур билиш кераклигини тушундим. Суҳбатга фақат брошюралар билангина тайёрланиб бўлмаскан. Шунинг учун ҳам исломнинг қурғон ва бошқа «муқаддас» китобларини ўрганишга киришдим. Бу осон иш эмас экан. Ўрганиб бўлгач, колхозчи оқсоқолларга қуръоннинг ўзидан жуда яхши жавоблар топиб беришимга тўла ишондим.

Муҳиддин Далиев менга атеистик пропаганданинг турли формалари ҳақида гапириб берди.

—Динга ишонувчилар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш яхши самаралар беряпти,—дейди у.—Ўзини қизиқтирган саволни кўпчилик орасида ҳамма ҳам беравермайди. Агар у билан шахсан суҳбатлашиб қолсангиз, кўп нарсани сўрабгина қолмай, сиз билан баҳслашиб ҳам кетишади.

Қамаши районидаги бир колхозда худди шундай бўлди. Муҳаббат исмли қизни 8-синфдан олиб қолиб, турмушга чиқармоқчи эканлар. Бутун уринишлар беҳуда кетгач, қизнинг отаси билан узоқ суҳбатлашдим. Уни Муҳаббатнинг бахтига чанг солаётганига ишонтирдим.

Шу кунларда Муҳиддин Далиев Бўка ва Оққўрғон районларининг бир қатор колхоз ва совхозларига бориб лекциялар ўқиди. У кўпгина дала шийпонларида атеистик бурчаклар ташкил этиб, қишлоқнинг ёш лекторлари билан семинарлар ва суҳбатлар ўтказиб қайтди.

«Билим» жамияти область секциясининг илмий-атеистик бюроси раисининг ўринбосари Муҳиддин Далиев шаҳар планетарияси ва суҳбатлар. Октябрь районининг маҳаллаларида тез-тез савол-жавоб кечалари ўтказиб турибди.

Хуллас, Муҳиддин Далиевни доимо қизғин меҳнат устида кўрасиз. У кишиларни жамиятимизнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялашга ҳисса қўшяпти.

Ж. МУМИНОВ.

Шаҳрисабз хабарлари

ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИКЛАР

Шаҳрисабз район партия комитети ҳафтанинг ҳар жума куни ни «ленинча жумалик» деб эълон қилди. Шу куни райондаги барча пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар район партия комитетининг йўлланмаси билан хўжаликларга, муассаса ва корхоналарга бориб меҳнаткашлар ўртасида доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаёти, жўшқин революцион фаолиятига оид лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Лениннинг «Давлат ва революция», «Ёшлар союзининг вазифалари», «Империализм — капитализмнинг энг юқори ва сўнгги босқичи» асарларининг мазмуни билан йиғилганларни таништирадилар.

ШАҲАРНИНГ ФАХРИЙ ГРАЖДАНИ

Шаҳрисабз шаҳри ўзининг бой тарихига эга. Бу ердаги бир канча тарихий ёдгорликлар асрлар оша халқ ақл-заковатидан гувоҳлик бериб турибди.

Ҳар йили Шаҳрисабзга кўплаб ҳорижий сайёҳатчилар, олимлар, давлат арбоблари келиб-кетадилар. Улар тарихий обидаларни томоша қиладилар, фусункор табиат манзараларидан завқланадилар.

Яқинда бу ерда «Шаҳрисабзнинг фахрий граждани» деган унвон таъсис этилди. Бу юксак унвон давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, революция ва меҳнат ветеранларига, Совет ҳокимиятини ўрнатишда жонбозлик кўрсатган кишиларга берилади.



Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг меҳнаткашлари бу йил пахтанинг ялпи ҳосилини бултургига нисбатан 900 тонна кўпайтириш мажбуриятини олишган. Ҳозир ҳосилга ҳосил қўшиш тадбирлари мукаммал амалга ошириляпти. Суратда: бригада бошлиғи Мамасодиқ Сайдуллаев ва 4-бўлим бошқарувчиси Мадамин Акбаров ўртоқлар пахтазорда.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ЕР ҚОНУНЛАРИ АСОСЛАРИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

<> <>

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ер қонунларининг Асослари лойиҳасини совхозимиз коллективи зўр қизиқиш билан муҳокама қилиб чиқди. Лойиҳада деҳқонларнинг дилидаги гаплар айтилган. Ҳақиқатда ер халқ, давлат бойлигидир. Ўтмишда ота-боболаримиз бир парча ерга зор бўлиб ўтганлар. Катта ер эгалари қул, чорикор, мардикор ишлатиб кўп маҳсулот, катта бойлик тўплаган ва шу ҳисоба яхши ҳаёт кечирган.

Октябрь инқилоби туфайли асрлар бўйи мазлумликда яшаб келган Россия территориясидаги халқлар, шунингдек ўзбек деҳқонлари эрксувлик бўлдилар. Доҳиймиз В. И. Ленин ер ҳақидаги Декретни имзолади. Бу, камбагал деҳқонлар тўғрисида партия ва совет давлати гамхўрлигининг ажойиб намунаси бўлди. Шу қундан бошлаб ердан самарали фойдаланиш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун кураш бошланди.

Республикамизда она ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, пахта, буғдой, арпа, шоли, маккажўхори ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришда рекорд қўйётган колхозлар, совхозлар жуда кўп. Улар қўриқ ва партов ерлар ўзлаштиришни давом эттириб, тупроқ унумдорлигини ошириб, янада катта галабаларни қўлга киритмоқдалар. Бироқ, ердан фойдаланишда эгасизликка йўл қўйётган, ернинг «умри»ни беқорга ўтказиб юборяётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ер қонунлари Асосларининг ишлаб чиқилиши ва умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ердан фойдаланишдаги муваффақиятларни мустаҳкамлаб, камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлади. Совхозимиз коллективи лойиҳада белгиланган тадбирларни тўла маъқуллайди.

Бизнинг хўжалигимиз Мирзачўл баграда ташкил топган тўнғич совхозлардан биридир. Партия ва ҳукуматимизнинг гамхўрликлари, давлатимиз бераётган жуда катта моддий-техника ёрдами туфайли чўлдан 5.500 гектар ер ўзлаштириб, пахта етиштиряпмиз. Дастлабки йилларда гектаридан 9-10 центнердан пахта олинган бўлса, эндиликда 21-22 центнердан ҳосил кутяпмиз. 1968 йилда камида 24 центнерлик хирмон кўтариш ниятидамиз. Бундан кўриниб турибдики, ер—ҳазина, меҳнат унинг калити. Ер қанча эъзозланса, яхши парваришланса шунча кўп ҳосил беради, мамлакат ва халқни бой қилади.

Лойиҳада ер колхоз ва совхозларга хўжалик манфаатини кўзлаб берилиши, ундан фойдаланувчилар суғориладиган, ҳайдаладиган, зоҳи қочирилган ерларни сира камайтирмай, доим кенгайтириб бориш учун зарурлиги уқтирилган. Мақсад шуки, инсон ризқи-рўзи, саноат хомашёсини берадиган ер ҳамма вақт одамларнинг диққат марказида бўлсин, тупроқ унумдорлиги муттаси ошириб борилсин, ернинг «ишдан чиқиши»га асло йўл қўйилмасин. Бунинг учун нималар қилиш керак? Бу саволга совхозимиз мисолида жавоб бериш мумкин.

Биз янги ер ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини йил сайин кенгайтириб борамиз. Шу билан бирга ўзлаштирилган ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қиламиз. Бунда кўп, арзон ва юқори сорт пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш йўли билан сарфланган ҳаражатнинг ўрнини қисқа вақтда тўлдириш, кўплаб иқтисодий фойда олишни кўзда тутамиз. Совхозимизни фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибалар мактаби дейишади. Бу гапда жон бор. Биз олимлар, илғор тажрибакорлар билан ҳамкорликда пахтачиликни комплекс механизациялаш тадбирларини ишлаб чиқаётирмиз. Шулардан бири пахта теримини тўла машиналаштиришдир. 1968 йилда 13 минг 200 тонна «оқ олтин» етиштирамиз. Шундан 9 минг тоннаси «зангори кема»ларда териб олинади, қоп-қанорсиз қабул пунктларига етказиб берилади.

Ишчиларимиз бошқа тармоқларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бераётирлар. Катта майдонларда беда ўстирилиб, пахта-беда алмашлаб экиш схемасини жорий қилишга шароит яратиляпти. Бог, сабзавот, полиз экилари майдони кенгайтирилиб, ҳосилдорлиги ошириляпти. Ердаги намни тўла сақлаб қолиш, экиларни офатдан асраш мақсадида 129 гектар майдонга ихота дарахтлари ўтқазилди.

Лойиҳада деҳқончилик қиладиган ерларда суғориш ишларини яхшилаш, отизларнинг шўрланишига қарши қаттиқ кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланади. Бу жуда тўғри фикр. Шўр ва сизот сув — экиннинг офати. Тажрибасизлик орқасида экин ерини шўрга ва сизот сувга бостириб қўйиб уруғига қуйиб қолган деҳқонлар кўп бўлган. Пахтакорларимиз тупроқ унумдорлигини ошириш учун ернинг шўрланиши ва сизот сувнинг кўпайишига қарши чоралар кўрмоқдалар. Совхозимиз территориясида 144 километр лоток бор. Ҳамма экиларни ана шу лоткларда оқиб келаётган зилол сув билан суғорамиз. Лоток усули қўлланганда, сув исроф бўлмайди, ер шўрланмайди, зах сув кўпаймайди.

Бизнинг фикримизча, лоток системаси деҳқончилик учун энг қулай усулдир. Шунинг учун келгусида барча колхоз ва совхозларда экиларни лоткларда орқали суғоришга кўчиш мақбулдир. Шунда сувдан фойдаланиш коэффициенти яхшиланади. Бу муҳим тадбирни ер қонунларининг Асослари лойиҳасига киритиш керак.

Ҳар йили бир гектар ернинг шўрини ювишга ўртача 98 сўм маблағ сарфланади. Бу, пахтанинг таннархини қимматлаштириб юборяпти. Бизнинг фикримизча, даҳлдор ташкилотлар ўсти ёпиқ зовурлар қуряётганда хўжалик раҳбарлари, тажрибакорларнинг тақлиф-мулоҳазалари билан ҳисоблашишлари, зиммага олган мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари керак. Ўсти ёпиқ зовур қуриш юзасидан тузилган шартномани имзолаган, аммо уни вақтида бажармаган ё у. ёки бу томон жарима тўлаши керак. Бу лойиҳада ўз ифодасини топса яхши бўлур эди.

Ер қонунларининг Асослари лойиҳасида ҳамма чора-тадбирларни кўриб, ҳосилдорликни ошириш масаласи олга сурилган. Бу ҳам деҳқонлар муддаосидаги гап. Қилинган меҳнатга, олинган ҳосилга қараб баҳо берилади. Бироқ, баъзан меҳнат сарфланади-ю, ҳосил кутилганча бўлмайди. Сабаби, агротехника қоидалари бузилади. Масалан, ерни текислаш — планировка қилиш ёмон аҳволда бўлади.

Биз лойиҳада ҳар бир колхоз ва совхоз ерни планировка қиладиган махсус машина ва агрегатларга эга бўлсин, уларнинг сони кўпайтирилсин, иш унуми оширилсин, планировкани узоқ муддатга мўлжаллаб қилган механизаторлар рағбатлантирилсин, деган ибораларни ўқишни хоҳлар эдик.

С. УСМОНОВ,
Сирдарё областидаги Герман Титов номли 6- совхоз директори.
А. БЕРДИЕВ,
совхоз бош агрономи.
А. ГРИГОРЬЕВ,
совхоз бош ирригатори.

МИРМУҲСИН.

УМИД

РОМАНДАН ПАРЧА

Кўп ўтмай машина ишчилар шаҳарчасига етиб келиб, қизилга бўялган каттагина темир дарвоза ёнида тўхтади. Иногомжон машинадан югуриб чиқиб, дарвоза ёнидаги ихчамгина эшикдан ичкарига кириб, кучаниб зўр билан темир дарвозанинг икки табақасини ланг очиб, машинани ҳовлига олиб кирди. Бу лаҳза Умид ҳам машинадан чиқиб, кўчада ҳайрон турарди. Дарвоза олдида майда болалар гужғон ўйнашар, уларнинг баъзилари ясаниб, болаларга қўшилолмай туришидан меҳмонларнинг боласи экани билиниб турарди. Дарвоза қаторида кўчага қараган олти дераза ва «парадний» эшик ҳам бор, Умид бу профессор уйи эканига шубҳа қилмади. Ҳовлида кишиларнинг стол ясаётганини кўрди. Сал ўтмай Иногомжон имлаб, уни ичкарига таклиф этди. Умид битта-битта босиб, ҳовлига кирди; стол ясатаётганлар билан қўл беришиб омонлашди. «Домланинг шогирдлари» эканини Иногомжон бу ердагиларга айтиб, Умидни таништирди. Ийл-ийл пижама кийиб олган Салимхон Обидийнинг хона ичидан баланд айвонга чиққанини кўрган Умид салом берди.

— Келдингизми, баракалла! — деди Салимхон Обидий айвон панжарасига қўлларини қўйиб.— танишиб қўйинглар, бу йигит Умиджон, менинг аспирантим.

— Танишиб олдик, — деди ўрта яшар бир киши. Афтидан у профессорнинг укаси бўлса керак.

— Бугун акамларнинг туғилган кунлари, — деди у одам Умиднинг тахминини аниқ қилиб, — ҳамкасб дўстлари, қариндош уруғларимиз келишади...

— Э, мен шундоқ келаверибман... Домланинг туғилган кунларидан хабарим бўлмабди... — деди қип-қизариб Умид.

— Зарари йўқ, — деди у одам Умидга бир қараб қўйиб, — хижолат бўлманг. Домлангизга эътиқодингиз — энг яхши туҳфа!

— Сен нима деяпсан? — деди шоҳ айвоннинг оқ мармардан ишланган етти погона зинасидан бир-бир қадам босиб тушаётган Салимхон Обидий укаси билан Умидга яқин келиб, — мен сизни бугунги ўтиришга атай таклиф қилдим. Бугун бу ерга сиз танийдиган селекционер олимлар келади: Канаш, Дадабоев, Иброҳимов... Сиз ҳам бундан буён бизнинг тўпимизга қўшилинг, аралашинг деб таклиф қилдим. Ҳамма онасининг қорнидан олим бўлиб туғилмайди-ку, Мусулмончилик аста-аста, Хижолат бўлмай одамларга аралашиб юринг.

Салимхон Обидий мағрур ва масрур, сиполик билан қадам ташлаб, ҳовли ўртасидаги чор қирра ҳовуз лабига борди. Ҳовузнинг қоқ ўртасида қиррали тошлар устига чиқиб турган бир тимсоқ оғзидан ҳамма ёққа сув пуркаб турарди. Бу дид билан қурилган фонтан анча йиллар бери бор.

Шу пайт тор чалвар кийиб, бароқ сочларини елкасига туширган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бир қиз пешайвонда пайдо бўлди. Беқиёс гўзал қадду қоматини тамомо қилиб, устун қозиғидаги сумкага қўл узатди. Қўли етмагач, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этиб оҳудек бир-икки сакради, ололмагач, кулиб, ҳовлидагиларга табассум қилди. Шундан сўнг, «Мана, менинг чиройли қоматимни кўринглар!» дегандек сакраб айвон панжарасига чиқди-да, устундаги сумкачани олиб, яна ерга тушди. Унинг ингичка бели, чиғир каптар кўксидек қабариб чиққан кўкси, йўғон сонлари шундоқ кўриниб турарди. Иногомжон ҳам, Умид ҳам, ўзининг қариндош-уруғлари ҳам қизга тикилишди. Қиз яна ичкарига кириб кетгач, ҳовлидагилар бир лаҳза бир-бирларига қараб олишди-да, сўнг гапни бошқа томонга буриб юборишди.

— Акамлар гулни яхши кўрадилар, — деди у киборлик ва мамнуният билан, — олим одамлар бир нимага ишқибоз бўлади дейдилар, шу рост экан. Акамларнинг янги топган пахта сортларини Москва ҳам қабул қилибди, лауреатлик беради деган гап бор...

— Ҳа, — деди Умид билсабилмаса унинг гапини кўр-кўрона тасдиқлаб.

— Акамлар ёшликдан пахта илмига берилганлар. Биз бўлсак бола-чақанинг гамида савдо системасига ўтиб кетганмиз...

— Ҳа, — деди яна Умид суҳбатдошининг сўзини қувватлаб, — қайси соҳа бўлмасин, ишқизиб, меҳнат қилган яхши.

Салимхон Обидий билан Умид шоҳ айвонга ўтишганда ичкаридан югуриб чиққан бояги қиз отаси билан Умид рўпарасида тўхтаб, Умидга ўткир қараб кўйди. У ўша сиқиқ шимини кийиб, қадду қоматини кўрсатиб юрарди. Сочини пешанасидан қизил лента билан боғлаб тўплаб олиб, бояги қизил кофтаси ўрнига оқ жужунча кофта кийиб олибди. Умид боя ошхонадалигида у пичоқ қидириб кириб чиқиб кетган эди. Бу чоғ саргиш кофта, кўнгир шим кийган эди. У бирон икки соат ичида уч бор турланди — кийимлари кўп эканлигини кимгадир кўрсатмоқчи бўларди.

— Э, мен шундоқ келаверибман... Домланинг туғилган кунларидан хабарим бўлмабди... — деди қип-қизариб Умид.

— Зарари йўқ, — деди у одам Умидга бир қараб қўйиб, — хижолат бўлманг. Домлангизга эътиқодингиз — энг яхши туҳфа!

— Сен нима деяпсан? — деди шоҳ айвоннинг оқ мармардан ишланган етти погона зинасидан бир-бир қадам босиб тушаётган Салимхон Обидий укаси билан Умидга яқин келиб, — мен сизни бугунги ўтиришга атай таклиф қилдим. Бугун бу ерга сиз танийдиган селекционер олимлар келади: Канаш, Дадабоев, Иброҳимов... Сиз ҳам бундан буён бизнинг тўпимизга қўшилинг, аралашинг деб таклиф қилдим. Ҳамма онасининг қорнидан олим бўлиб туғилмайди-ку, Мусулмончилик аста-аста, Хижолат бўлмай одамларга аралашиб юринг.

Салимхон Обидий мағрур ва масрур, сиполик билан қадам ташлаб, ҳовли ўртасидаги чор қирра ҳовуз лабига борди. Ҳовузнинг қоқ ўртасида қиррали тошлар устига чиқиб турган бир тимсоқ оғзидан ҳамма ёққа сув пуркаб турарди. Бу дид билан қурилган фонтан анча йиллар бери бор.

Шу пайт тор чалвар кийиб, бароқ сочларини елкасига туширган ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бир қиз пешайвонда пайдо бўлди. Беқиёс гўзал қадду қоматини тамомо қилиб, устун қозиғидаги сумкага қўл узатди. Қўли етмагач, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этиб оҳудек бир-икки сакради, ололмагач, кулиб, ҳовлидагиларга табассум қилди. Шундан сўнг, «Мана, менинг чиройли қоматимни кўринглар!» дегандек сакраб айвон панжарасига чиқди-да, устундаги сумкачани олиб, яна ерга тушди. Унинг ингичка бели, чиғир каптар кўксидек қабариб чиққан кўкси, йўғон сонлари шундоқ кўриниб турарди. Иногомжон ҳам, Умид ҳам, ўзининг қариндош-уруғлари ҳам қизга тикилишди. Қиз яна ичкарига кириб кетгач, ҳовлидагилар бир лаҳза бир-бирларига қараб олишди-да, сўнг гапни бошқа томонга буриб юборишди.

— Акамлар гулни яхши кўрадилар, — деди у киборлик ва мамнуният билан, — олим одамлар бир нимага ишқибоз бўлади дейдилар, шу рост экан. Акамларнинг янги топган пахта сортларини Москва ҳам қабул қилибди, лауреатлик беради деган гап бор...

— Папам буларни Ҳиндистондан олиб келган.

— Жуда яхши нарсалар экан, — деди Умид Жаннатга қайрилиб қараб, негадир отасига нисбатан «лар» сўзини қўшмаганига ажабланди. У ўзида бир жасорат пайдо қилиб, деди: — ўзбекча гаплашайлик, Жаннатхон!

— Мумкин, — деди у ноз ила эркаланиб, — ленин мен учун яхши гаплашолмайман. Сиздан илтимос, менинг исмим — Жанна, мени шундоқ аташингизни сўрайман.

— Марҳамат, — деди Умид, — бу жуда чиройлик исм.

— Сизга ёқадими?

— Жанна Д' Арк — Франциянинг қаҳрамон қизи...

— «Жанна» умуман чиройли исм, менга жуда ёқади.

Шипгача етган каттакон тош ойна олдида атр-упаю турли бўёқлар, қош бўяйдиган чўткачадан тортиб, тирноқ оладиган асбоблар, ҳаммаси бетартиб сочилиб ётибди. Хонага ниришингиз билан димоққа атр ҳиди гуппа уради.

— Шу шкафнинг тепасида гул қўядиган хрусталл ваза бор, ҳеч ололмаяпман. Марҳамат қилиб олиб бersангиз.

— Марҳамат, — Умид қўл узатиб биллур идишни осонгина олиб берди.

— Раҳмат!

Шу лаҳза Умид Жаннага табассум билан қаради-да, вазифани бажарганлигини айтиб, хонадан ташқарига чиқиб кетди.

Ҳовлига чиқиб ўйлаб қолди: бу билан у нима демоқчи? Битта стул қўйса бўйи етиб турибди. Ёнига кириш тўхтатилади. Залда К. К. Рокоссовскийнинг қариндошуруғлари, дўстлари, ўртоқлари ва сафдошлари қолади. Сўнгги видолашув дақиқалари.

Мотам садолари остида дафн этишни уюштирувчи комиссия аъзолари қутичани олиб чиқиб, катафалк устига қўядилар. Мотам маросими қатнашчилари Қизил Майдон томон йўл оладилар.

Союзлар Уйи ёнида мотам маросими қатнашчиларини Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари кутиб олдилар. Марҳумнинг ҳоки солинган қутича катафалкдан олиниб, тўп лафети устига қўйилади.

К. К. Рокоссовский ҳоки солинган қутича В И. Ленин Мавзолейи олдидаги супачага қўйилади.

Л. И Брежнев, Г. И. Воронов, А. П Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М А. Суслов, Ю. В. Андропов, В В. Гришин, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Д. Ф. Устинов И В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар Мавзолей минбарига чиқадилар.

Дафн этишни уюштирувчи комиссия раиси Совет Иттифоқи Маршали П Ф Батицкий КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, мотам митингини очди. Совет халқи, армия ва флот жангчилари — деди у, — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Советининг депутати, атоқли ҳарбий арбоб, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали Константин Константинович Рокоссовский билан чуқур қайғу ҳислари билан тўлган ҳолда бугун сўнгги марта видолашмоқдалар.

Мана шу қайғули пайтда Совет Иттифоқининг қуролли кучлари ажойиб инсон, мард солдат, истеъдодли саркарда, Совет Иттифоқи Маршали Константин Константинович Рокоссовскийнинг ҳоки узра ўз жанговар байроқларини эгадилар.

Сўнгра митингда армия генерали С. Л. Соколов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Д. А. Борисов армия генерали А. Н. Лучинский сўзга чиқадилар. Полша Халқ Республикаси Миллий мудофаа министри, дивизия генерали В Ярузельский ҳам мотам митингида нутқ сўзлади.

Мотам митинги тугади. К. К. Рокоссовский ҳоки солинган қутича Кремль деворидаги тантанали қўйилади. Ёдгорлик [illegible] қўйидаги сўзлар ёзилган:

Константин Константинович
РОКОССОВСКИЙ
21 3
18— 96 19
XII

Совет Иттифоқи гимни [illegible] Совет Армиясининг жанговар байроқлари Мавзолей олдидан шаҳар [illegible] ташлаб ўтадилар. (ТАСС).

Россия Федерациясининг биноқорлари қурган шинам уй-жойларга кўчиб кираётган Тошкент меҳнаткашлари, қурувчисининг қўли дард кўрмасин, дейишмоқда. Сиз бу суратда Свердловск шаҳридан келган усталар қурган янги уй-жойларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.



«ПАХТАКОР» ЎЗИГА КЕЛЯПТИ

Футбол

Футболнинг ҳақиқий ишқибозлари сешанба куни жуда шошиб қолишди. «Зангори экран»ларда бўлаётган чорак финал учрашувларини томоша қилиш жуда катта ҳавқ бағишлаётган бўлса, «Заря» (Луганск) — «Пахтакор» учрашуви ҳақида радио орқали эшиттириш янада шошириб қўйди. Олмаота шаҳридан кўрсатилган ўйин «Қайрат»нинг муваффақиятсизлиги (2:3) билан тугаб, «Нефтчи» (Боку) ярим финалга чиқиб олганлигини билганимиздан кейин телевизорни биринчи программага тўғриладик. Москвада бўлаётган «Торпедо» ҳамда «Уралмаш» (Свердловск) учрашуви жуда жиддий ва катта спорт маҳорати билан бошланди-ю, аммо тажрибали автозаводчилар айрим онларда ҳимоячиларнинг хатосидан осонлик билан фойдаландилар ҳамда ҳисобни ўз фойдаларига буриб, командани олга бошладилар. Бу учрашув гарчи 3:1 ҳисоби билан тугалланган бўлса-да, Свердлов шаҳрининг спортчилари ўйиннинг охирги минутигача «Торпедо» командасига бўш келмадилар. Уларнинг дарбозага киритган битта тўпи ўзининг гўзаллиги билан ишқибозларни хурсанд қилди.

Кубок учун учрашувда кучлилар енгади, дуранг бўлмайди, деган нақл ана шунда аниқланди. «Торпедо» кучли команда эканлигини, спортчиларнинг маҳорати ошаётганлигини яна бир бор исботлади. Биринчи лигадаги олий команданинг иккинчи лигадаги команда билан учрашуви жуда қизиқарли ва мазмунли ўтди ҳамда ишқибозларни ниҳоятда хурсанд қилди.

Энди Луганск шаҳрига ўтамиз. «Пахтакор» чорак финал ўйинини Луганск шаҳрида ўтказишига тўғри келди. Бу ерда очиқ айтиш керак: команда аъзолари «Заря» командаси билан бўлган учрашув олдидан ғалабага тўла ишонмаган эдилар. Биз команда Луганск шаҳрига жўнаб кетиш олдидан Ҳамид Раҳматуллаев билан учрашиб, унга навбатдаги ўйинда натижа қандай тугайди, деган саволни бердик:

— «Заря» ўз майдонида ютқазадиган командалардан эмас. Бунинг устига «Пахтакор» ўз шаҳридан ташқарида яхши ўйин кўрсатолмаяпти. Аммо ғалаба қилиш команда аъзоларининг жуда катта истагидир. СССР кубоги учун бўлган мусобақаларда «Пахтакор» бунчалик катта муваффақиятларга эришмаган эди. Ярим финалга чиқиб олсак, шунинг ўзи катта бахт, шунинг учун ярим финалга интилиш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Ўйиннинг иккинчи ярми бошланганда таблодаги ҳисоб 0:0 ни кўрсатиб турарди. Ана шу 0:0 ҳисобини ўзгартириш «Заря» командасининг аъзолари дилидаги аҳд бўлишига қарамасдан бу йилги СССР чемпионатида қаҳрамонлик пешқадамлик қилаётган, рақиблар дарбозасига 13 тўп киритган Биродар Абдураимов яна кучини кўрсатди. У жарима тўпини киритиб, ҳисобни очди. Ҳужум тўхтовсиз давом этди. Ёш, талантли ва истиқболли футболчи Тўлаган Исоқов командани янада голибона йўлга бошлади. Ҳисоб 2:0.

Энди «Заря»нинг мағлубияти аниқдек сезила бошлади. Шундай муҳим учрашувда майдон эгаларқ руҳларини туширмай, ҳужумга ўтдилар. «Етиб қолгунча отиб қол» қабилида иш кўриш «Заря»га фойда келтирди. Ҳисоб 1:2 бўлди. Аммо шундан кейин майдон эгалари пахтакорчиларнинг қоматларини бука олмадилар, кетма-кет қилинган ҳужумлар, ғайрат билан жон қуйдиришлар ҳисобни ўзгартиришга имкон бермади.

«Пахтанор» ярим финалга чиқди. Энди у Донецк шаҳрининг «Шахтёр» командаси билан беллашиши керак. «Шахтёр» ўз майдонида аранг киевлик армиячиларни 1:0 ҳисобида енгди. Маълумки, «Шахтёр» кубок командаси деб ҳисобланади. Аммо у «Пахтанор» олдида бош эгиб қўйиши ҳам мумкин. Бу, пахтакорчиларнинг ахиллигида ва ҳамжиҳатлигида қолган, албатта.

В. МАҲКАМОВ.

Планетамизда

БИРЛИК ВА ДЎСТЛИК

Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Братиславада ўтказилган кенгаши ва кенгаш қатнашчилари яндиллик билан маъқуллаган баёнот жаҳон жамоатчилиги ва матбуотининг диққат марказида турибди.

ПРАГА. Чехословакия газеталари Братислава кенгашининг якунларига бағишлаб мақола ва шарҳлар ёзиб чиқармоқдалар. Газеталар Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари А. Дубчекнинг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқини босиб чиқардилар. А. Дубчек жумладан, олти қардош партия вакилларининг Братислава кенгаши муваффақиятли ўтди, деб айтди.

А. Дубчек яна қуйидагиларни таъкидлади: Биз Чехословакия Социалистик Республикамиз, унинг социалистик ҳамдўстликдаги ва Европадаги аҳволи социалистик мамлакатлар билан ва халқаро коммунистик ҳаракат билан ҳар томонлама интернационал ҳамкорликка таяниши лозим эканлигини яхши тушуниб олишимиз ва билишимиз керак.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ҳукумати аввалгидек ҳозир ҳам Варшава шартномасини зўр қатъият ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Қўшма баёнотда айтилган принциплар Германия масаласида тутган йўлимизни ва халқаро иқтисодий ҳамкорликка, аввало, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига нисбатан тутган йўлимизни тасдиқлайди.

А. Дубчек сўзининг охирида, кенгашнинг чиқарган хулосалари халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантириш учун сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, деди.

БУДАПЕШТ. Венгрия матбуоти Братислава кенгашининг якунларини социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлидаги янги муҳим қадам деб, социализм мавқеларини мустаҳкамлаш йўлидаги курашга қўшилган анча катта ҳисса, деб ҳисоблайди.

МТИ агентлиги хабар беради: Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар Братиславадан қайтиб келгандан кейин Венгрия матбуоти ходимлари ўртасида нутқ сўзлади.

Қўшма баёнот, деди у, тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Шундай характеристика бериш учун журъат қилаётганимга сабаб шуки, жаҳон социалистик системаси, халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантириш ва халқаро минбарда тинчлик ва тараққиёт учун олиб борилаётган курашнуқтаи назаридан қараганда Братислава кенгашида қатнашган ва бу ҳужжатни имзолаган олти партиянинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Баёнотда, деди Я. Кадар, олти қардош партия ва мамлакатларнинг бирлиги ҳамда ҳамкорлиги тўғрисида, социалистик давлатларнинг бирлигига ҳамжиҳат бўлиб интилаётганликлари, Варшава шартномасини, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашини мустаҳкамлашга интилаётганликлари тўғрисида гапирилади. Шундай қилиб, империализмга қарши умумий кураш фронтимиз мустаҳкамланди.

МОНТЕВИДЕО. Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг органи «Популар» газетасининг редакцион мақоласида бундай дейилади: Коммунистларгина эмас, барча тинчликсевар кучлар ҳам Братислава кенгашининг натижаларини мамнуният билан маъқулладилар.

Бу кенгаш, деб яна ёзади «Популар» газетаси, Америка империализми ва унинг Бонндаги шерикларининг агрессив сиёсати натижасида жаҳон яна хавф остида қолган бир пайтда жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини ва социалистик давлатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди. Кенгашнинг муваффақиятли ўтгани социалистик мамлакатларнинг бирлигига путур етказиш учун империалистлар томонидан бошланган кампания барбод бўлганлигидан далолат беради.

САНТЬЯГО. Чили коммунистларининг газетаси «Сигло» баёнотнинг текстини «Социализмнинг жипслиги ва империализмга қаттиқ зарба», деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Газета қуйидагиларни таъкидлайди: Марксизм-ленинизмга чексиз садоқат, халқ оммасини социализм ва пролетар интернационализми идеялари руҳида тарбиялаш, буржуа идеологиясига қарши ва барча антисоциалистик кучларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш — империалистларнинг кирдикорларига қарши социализм позицияларини мустаҳкамлашда муваффақият қозонишнинг гаровидир.

БЕЛГРАД. Братислава кенгаши қатнашчиларининг баёноти бугун Югославия матбуоти, радиоси ва телевидениесининг яна диққат марказида турибди.

«Политика» газетаси бу ҳужжатни социалистик мамлакатлар ўртасидаги «муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация» деб атайди.

«Борба» газетаси Братиславада олиб борилган музокараларнинг қатнашчилари социализмнинг ҳар бир мамлакатда ва хусусан Совет Иттифоқида эришган муваффақиятларини таъкидладилар, деб ёзади.

Улар Варшава шартномасини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириб олиб бориш ва иқтисодий ҳамкорлик юзасидан ўз зиммаларига олган ҳамма мажбуриятларини яна бир марта тасдиқладилар.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси баёнотни қуйидаги сарлавҳа остида босиб чиқарди: «Братислава кенгаши социалистик мамлакатлардан ҳар бирининг миллий суверенитетини ҳурмат қилиш ва пролетар интернационализми руҳида уларнинг жипслигини мустаҳкамлашга даъват этувчи баёнотни имзолаш билан тугалланди».

ЛОНДОН. «Морнинг стар» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Братислава кенгашининг якунлари халқаро коммунистик ҳаракат учун ва социализм истиқболи учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу кенгаш давлатлар ўртасидаги янги муносабатларни, бир-бирини ҳурмат қилиш ва суверенитетга асосланган муносабатларни намойиш қилди. Бу муносабатларни социализм туфайли амалга ошириш мумкин ва зарур бўлиб қолди».

Газета яна қуйидагиларни ёзади: «Братислава кенгашидан кейин эълон қилинган баёнот империалистларнинг дидига ёқмади, чунки бу баёнот тинчлик ва хавфсизликни ҳимоя қилиш, Ғарбий Германия ва Америка империализмига қарши кураш каби асосий масалалар юзасидан бирлик қарор топганлигини таъкидлайди».

«Морнинг стар» газетаси баёнот текстини босиб чиқарди.

ИСЛАНДИЯ аҳолиси НАТО кенгашининг навбатдаги сессияси қатнашчиларини норозилик намойишлари ва митинглари билан кутиб олган эдилар. Бу намойишларда Исландияга келган грек муҳожирлари ва Норвегиядан келган НАТОга қарши курашчилар ҳам иштирок этишди. Суратда: полиция университет биноси олдидан намойишчиларни ҳайдашга уринмоқда.

АП—ТАСС телефотоси.

IX ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИДА

СОФИЯ, 6 август. (ТАСС). Ёшлар ва студентлар IX Жаҳон фестивали тамомланиши муносабати билан фестиваль қатнашчилари шарафига кеча кечқурун бу ерда қабул маросими бўлди. Қабул маросимини Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков уюштирди.

* * *

Вьетнам халқининг ғалабаси йўлида ёшларнинг жаҳон кампаниясини шу йилнинг бошида Жаҳон демократик ёшлар федерацияси бошлаб берган эди. Шу кампаниянинг натижалари матбуот конференциясида эълон қилинди. Бу кампанияда 92 мамлакатдан ёшлар ва студентларнинг 186 ташкилоти қатнашди.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг вакили Ричард Тирлюк (Польша) матбуот конференциясида шуни маълум қилдики, ёшлар ҳамма мамлакатларда Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг 400 минг марказини тарқатиб шу йил билан катта пул тўпладилар. Фестивалда Вьетнам билан бирдамлик маркази очилди. Делегатлар Вьетнамдаги ўзларининг тенгдошларига аталган совғалар билан ҳар кун шу ерга келиб турдилар. Масалан, инглиз ёшлари 27 минг фунт стерлинг тўпладилар, Сурия делегацияси 2 минг доллар пул тўплаб топширди. Болгария ёшлари ўзлари сотиб олган машиналарни тракторларни, вьетнамлик болаларга аталган совғаларни 14 вагонга юклаб жўнатмоқчилар.

«Бирдамлик карвони» Софиядан Ханойга сентябрь ойида жўнаб кетади.

...Василь Левский номидаги стадион. Шу ердаги баланд супачага ўрнатилган катта баркашда фестиваль олови 10 кун ловуллаб турди. Ҳозир ҳам шу маҳаддас олов тафтини йўлакай ватанларига олиб кетмоқ учун делегатлар бу ерга ҳамма жойдан келиб турибдилар.

Фестиваль тугади, аммо унинг финали жаҳон халқлари йиғити ва қизлари олиб бораётган кураш ва ишнинг, ҳозиргига қараганда анча яхшироқ бўлиши лозим бўлган келажак учун кураш ва ишлашнинг янги босқичини бошлаб бергандек бўлди.

СОФИЯ, 7 август. (ТАСС). Ёшлар ва студентларнинг кеча тугаган жаҳон фестивали қатнашчилари бутун дунё ёшлари ва студентларига мурожаат қабул қилишди. Мурожаатда айтиладики, Софиядаги учрашувлар халқаро ёшлар ҳаракатидаги антиимпериалистик бирлигининг жуда катта намойиши бўлди. Фестиваль ёшлар ва студентлар ҳаракатининг АҚШ империализмининг Вьетнамдаги жиноий агрессиясига қарши, Вьетнам халқининг ғалабаси учун, озодлик, мустақиллик ва тинчлик учун курашдаги қудратини ва жипслигини кўрсатди.

Учрашув қатнашчилари дейилади мурожаатда, Америка агрессиясининг қурбонлари бўлган араб халқлари билан, Португалия мустамлакачилигига ҳамда Жанубий Африка ва Родезиядаги ирқчи режимларга қарши курашаётган Африка халқлари билан, Латин Америкаси ва Осиё халқлари билан жанговар бирдамликни изҳор қилдилар.

Тинчлик тарафдорларидан ўч олмоқдалар

РИМ. (ТАСС). Италия радикаллар партиясининг ташаббуси билан тинчлик учун икки ҳафталик юриш ташкил этилган эди. Италия полицияси бу юриш қатнашчиларига ҳужум қилди.

Миланда бошланган юриш қатнашчилари Американинг Виченцдаги ҳарбий базаси ёнига тўпланиб, митинг ўтказдилар. Улар бу митингда Италиянинг НАТОдан чиқишини талаб қилдилар.

Полициянинг сурбетларча қилган ҳужуми натижасида неча ўнлаб киши ярадор ва майиб бўлди.

Италиянинг прогрессив ва демократик жамоатчилиги полициянинг Миланнинг қатнашчилари тинчликсевар кучларига нисбатан қилган янги ғиғвогарлигига қарши кескин норозилик билдирди.

АҚШ КОМПАРТИЯСИ БИНОСИДА ПОРТЛАШ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). АҚШ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Нью-Йоркдаги биносида бугун эрталаб бомба портлади. Портлаш бир оз зарар етказди.

Бу диверсия номаълум кишилар томонидан қилинди.

ЭРНЕСТ БЮРНЕЛЬ ВАФОТ ЭТДИ

БРЮССЕЛЬ, 6 август. (ТАСС). Бельгия ва халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Бельгия Коммунистик партиясининг Раиси Эрнест Бюрнель оғир касалликдан сўнг бугун кечаси вафот этди.

ВЬЕТНАМЛИК ДУГОНАМГА

КУРАШАЁТГАН ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз дугонам!

Бошингдан не-не кунлар ўтганини жуда яхши биламан. Кечагина мактаб партасида ўтириб, сенинг юртинг тўғрисида ёзилган китобчани ўқиб чиққанман. Машаққатли йилларни бошдан кечирганинг тўғрисидаги ҳикояларни ўқиб ўзимдан-ўзим хурсингандай бўлдим. Бироқ, бизнинг давримизда, жаҳонда социализм системаси тантана қилаётган бир даврда бундай хўрсинишга ўрин борми?!

Йўқ. Сен билан биз яшаётган даврда кишилар хўрланмаслиги, ўксимаслиги, таҳқирланмаслиги лозим. Лекин сенинг ватанингда империалистлар тинч аҳолига қарши ажал ўқини ёғдираётганлигини ҳаммамиз биламиз. Агрессорларнинг бундай ваҳшийлигига қарши ҳаммамиз бир овоздан унга ғазабимизни, нафратимизни изҳор қиламиз. Мен ҳозирги даврда кишининг хўрсинишига ўрин йўқ, деган гапни худди ана шуни назарда тутиб айтяпман. Ахир, бутун-бутун халқлар, бутун-бутуч мамлакатлар сен билан бирдамлик изҳор қилиб, Америка империалистларини кескин қоралямоқдалар.

Радио ва газеталарда ҳозир ҳам сенга минг-минглаб кишилар ёрдам қўлини чўзаётгани тўғрисида хабарлар бериляпти. Шулар қатори мен ҳам сенга ўзимнинг маънавий мададимни изҳор қилиш ниятида ушбу мактубни ёзмоқдаман. Дугонажон, сира ҳам ўкинма, миллионлаб совет кишилари ва жаҳондаги барчо прогрессив инсоният қаторида мен ҳам сенинг томонингдаман. Америка империалистларига қарши курашда ғалаба қозонишинг учун қўлимдан келган барча ёрдамимни аямайман.

Ёвуз ният яхшилик келтирмайди, деган гап бор. Америка империалистларининг Вьетнам тупроғида қилаётган ёвузликлари ҳам уларга ҳеч қандай яхшилик келтирмаслиги турган гап. Сенинг босқинчилар олдида тиз чўкмаслигингга ишонаман. Сен тиз чўкмайсан. Сен Вьетнам халқининг асл фарзандисан, сен завод-фабрикаларда, қишлоқ хўжалик кооперативларида душман бомбардимонлари пайтида ҳам ишни бир зум тўхатмаётганлигинг бунинг далилидир.

Куни-кеча радио ва газеталардан Вьетнам Демократик Республикаси осмонида Американинг 3083-калхати уриб туширилгани тўғрисида хабар берилди. Буни эшитиб ва ўқиб жуда ҳам хурсанд бўлдим. Ахир, Америка ҳаво қароқчилари бенуқсон уриб туширилаётганида совет кишиларининг, совет техникасининг ҳам ҳиссаси бор.

Мен ҳали ёшман, бу йил ўнинчи синфни битириб университетга кириш учун имтиҳон топшираётирман. Мақсадимга эришиш учун бутун куч-ғайратимни сарфлаб, мактабда таълим берган ўқитувчиларим меҳнатини оқлашга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, бу ҳам сенинг Америка империалистларига қарши мардона курашингга мадад бўлади.

Дугонажон, ғалабанг яқин. Агрессорлар бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Чунки дунё овози қароқчиларни биринчи марта тинчитиб қўяётгани йўқ.

Сенга узоқ Тошкентдан салом йўллаб ва ғалаба тилаб.

Дилобар БАКИРОВА,
Тошкент область Калинин районидаги «Тошкент» совхози.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Миллий озодлик халқ қуролли кучларининг қисмлари Куангчи вилоятининг шимолий қисмида муваффақиятли ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: душманга қарши навбатдаги ҳужум пайти.

ВИА—ТАСС фотоси.

ИСПАНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КУРАШИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). Испаниянинг Шарқи-Шимолий қисмида жойлашган Гипускоа вилоятида «фавқулодда ҳолат» эълон қилинди. ЮПИ агентлиги мухбиримнинг Мадриддан хабар беришича, басклар ўртасидаги ғалаёнлар ва ўтган ҳафтада Сан-Себастьян шаҳри махфий полициясининг бошлиғи ўлдирилганлиги муносабати билан маъмурлар шундай чорани кўрганлар. Бильбаодаги баск аҳолиси ўртасида қамоққа олиш бошланганлиги тўғрисида хабарлар келиб турибди.

Чет эл информация агентликлари Испания меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун кураши кучайиб кетганлиги тўғрисида ҳам хабар бермоқдалар. «Ренфе» темир йўл концерни Мадрид бўлимининг ишчилари ҳақ тўланадиган отпуска берилишини талаб қилдилар, Севильядаги «Фаса-Рено» компаниясининг ишчилари ишдан бўшатишга барҳам бериш ва иш ҳақини ошириш зарур эканлигини айтдилар.

Севилья металлургия саноатининг меҳнаткашлари «Фаса-Рено» компанияси ишчиларнинг ҳаққоний талабларини қўллаб-қувватладилар. Улар шаҳар металлургия ишчи комиссияси томонидан тарқатилган баёнотда ишчиларнинг иш ташлаш ҳуқуқини ҳимоя қиладилар ва меҳнаткашларнинг эркин ҳамда демократик касаба союзи тузилсин, деб талаб этадилар.

ЭКВАДОР КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ТАМОМ БЎЛДИ

ГУАЯКИЛЬ, 6 август. (ТАСС). Бу ерда Эквадор Коммунистик партиясининг VIII съезди «Интернационал» қўшиғи ва «Яшасин қардош Эквадор Коммунистик партияси ва КПСС!» деган шиорни айтиш билан ёпилди. Съезд қатнашчилари партиянинг программаси ва уставини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги резолюциялар лойиҳасини, ташкилий масалалар ҳақидаги докладни ва сиёсий тезисларни маъқулладилар, шунингдек Марказий Комитетнинг янги составини сайладилар.

Эквадор Компартиясининг Марказий Комитети Марказий Комитет Ижроия Комитетининг янги составини сайлади ва Педро Саадни яна Эквадор Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари қилиб сайлади.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). Кеча бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқдаги аҳвол масаласига бағишланган мажлиси бўлди.

Иорданиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакиллиги Исроилнинг Иорданияга қарши янги агрессия хуружлари тўғрисида ва жумладан, Исроил ҳарбий-ҳаво қучлари самолётларининг Иорданиядаги Ассалт шаҳрини ваҳшиёна бомбаёдимон қилганлиги тўғрисида Хавфсизлик Кенгашининг раисига ахборот берди.

Исроил ваколатхонаси ўзининг одат бўлиб қолган тактикасига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгаши раисига юборган мактубида Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашганлиги учун бутун айбни Иордания томонига тўнкашга уринди ва Иорданиянн «ўт очишни тўхатиш тўғрисидаги битимни бузиш»да айблади

Совет Иттифоқи вакили Я. А. Малик Исроил ҳарбийларининг агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралади. Я. А. Малик Исроил вакилининг сўзи «қотилнинг одамларни ўлдирганлигини оқлашга уриниш»дан бошқа бир нарса эмас, деди. Фактлар шу нарсани яққол исбот қиладики, деди СССР вакили, Исроил Яқин Шарқдаги аҳволнинг ғоят кескинлашганлиги учун айбдордир.

Исроилнинг 4 августда Иорданияга қарши қилган агрессияси Тель-Авивнинг агрессив йўлини давом эттираётганлигидан далолат беради. Ана шу агрессив йўл зўравонлик қилиш йўли билан Яқин Шарқда ўзининг империалистик мақсадларини амалга оширишга ва уруш қилиш йўли билан арабларни қўрқитмоқчи бўлиб, давом этаётган оккупацияга рози бўлишга мажбуран кўндиришга қаратилган.

Совет вакили Хавфсизлик Кенгашини «Исроилнинг агрессив ҳаракатларини кескин суратда қоралашга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ, Тель-Авивнинг қутуриб кетган уришқоқларини жиловлаб қўядиган чораларни кўриш»га даъват этди.

Совет Иттифоқи бошқа тинчликсевар давлатлар билан биргаликда, деди Я. А. Малик, Исроил агрессиясига барҳам бериш, бу агрессиянинг оқибатларини тугатиш, арабларнинг босиб олинган ерларини қонуний эгаларига қайтариб бериш тарафдоридир. Совет Иттифоқи барча давлатларнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш асосида Яқин Шарқ масаласини тинч йўл билан одилона ҳал этиш тарафдоридир.

Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқдаги аҳвол масаласига бағишланган навбатдаги мажлиси 6 августда ўтказилди.

АДДИС-АБЕБАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

АДДИС-АБЕБА, 6 август. (ТАСС). Кеча бу ерда тушдан кейин Нигерия федерал ҳукуматининг делегацияси билан Шарқий Нигерия режими вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Музокаларда Энтони Энахоро федерал ҳукуматнинг делегациясига, Одумегву Ожукву Шарқий Нигерия делегациясига бошчилик қилади. Ҳар иккала томоннинг ёпиқ тарзда ўтказилаётган учрашувида Эфиопия императори Хайле Селассие ва Африка бирлиги ташкилотининг бош секретари Диалло Телли ҳозир бўлди. Ҳар иккала томон ўртасида олиб борилаётган музокаралардан кузатилган мақсад — сиёсий танликни бартараф қилишдан ва бир йилдан кўпроқ вақт илгари, яъни Шарқий Нигерия раҳбарлари Шарқий областнинг Нигерия федерациясидан чиқиб кетганлигини ва «Биафра республикаси» тузилганлигини эълон қилганларидан кейин бошланган гражданлар урушини тўхатишдан иборат.

Куала-Лумпурда илмий конференция

КУАЛА-ЛУМПУР, 6 август (ТАСС). Кеча Малайзиянинг Куала-Лумпур университетида Осиё мамлакатлари тарихчиларининг тўртинчи халқаро илмий конференцияси очилди. Осиёнинг қадимий тарихи ва ҳозирги тарихига доир кўп масалалар муҳокама қилинадиган бу конференциянинг ишида жаҳоннинг 23 мамлакатидан келган 140 дан ортиқ делегат қатнашмоқда. СССР Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг илмий ходими В. А. Жаров бошчилигидаги Совет делегацияси конференцияга келди.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи республикада хаво очиқ бўлади. Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 35-40, айрим жойларда 42 даражагача кўтарилади.

Тошкентда хаво очиқ бўлади. Шарқдан секундига 2,5 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат 36-38 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Эстрада концерти, 9.30 — Романслар, 10.30 — Классик куйлар, 11.15 — «Беш йиллик вахтасида», 11.25 — Қўшиқлар, 12.15 — «Талас соҳилларида», 13.30 — Латин Америкаси халқларининг куйлари, 16.10 — Музикали эшиттириш (русча), 16.50—«Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Халқ контроли амалда», 18.10 — Экран куйлари, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ёшлик» программаси, 20.30 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, 21.00— Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 —Кечки концерт, 22.20 — Куйлардан — қўшиқларга, 22.40— Лебедев—Кумач туғилган кунинг 70 йиллигига бағишланган эшиттириш, 23.15—Кечки концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 19.00 — **Мультфильм,** 19.10 — **Телеянгиликлар,** 19.25 — **Сергей Лазо** (бадиий фильм), 20.50 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.55 — **Телеянгиликлар,** 21.10 — **«Ўзбекистон»** пахта териш машинаси ҳаётга йўланма олди, 21.30 — **Е. Мирзо ижодига бағишланган эшиттириш.** 22.45 — **Ҳалқ анъаналари ва коммунистик тарбия,** 23.00 —**Кино янгиликлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **«Дўстлик экрани».**
20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 — **Беш йиллик ҳақида ҳикоялар.**

Рус тилида 20.20 **П. И. Чайковский романслари,** 21.00 — **Академик Скрябин** (ҳужжатли фильм), 21.30 — **Янги иқтисодий ислоҳот амалда,** 21.45 — **Ташналиқдан** (иккинчи серияси).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VIII да **Концерт,** 9/VIII да **Қизбулоқ.**

КИНО

Исёнчи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чингачгук — **катта илон** — «СПУТНИК», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Вестерплатте — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун)

Деразангни қоқманда ёмғиру шамол — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Чингачгук — **катта илон** — «ФЕСТИВАЛЬ».

Вестерплатте — «ХИВА».

Антигона — ТЕЛЬМАН номли.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН БИРИНЧИ ҲАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН ФАҚАТ САНЪАТ САРОЙИДА 8 августдан

«ИСЁНЧИ»

Араб бадиий фильми намойиш қилинади «Жумҳурия—фильм» (БАР) маҳсулоти.

Машҳур ашулачи **Адли Касиба иштирок этади.**

Фильм директор таржимаси билан кўрсатилади.

Сеанслар: орталаб соат 11 ярмда кундуз 1, 3, 5 ярим ва кеч 7 ярим 9.15 минутда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 4-21-74, 4-20-34.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283. Партия ҳаёти — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216. Халқаро ҳаёт — 837604. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 836679, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенография — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 22—82. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—88. Урганч 34—55.
Б. № — 184. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 14905.